

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

К.Б.Уразов профессор, СамИСИ

Ш.Азимова магистрант, СамИСИ

IMPROVING FINANCIAL INVESTMENT INVESTMENT

K.B.Urazov Professor, SIES

Sh.Azimova master, SIES

Аннотация: Мақолада асосий воситаларга инвестициялар аудитининг зарурияти, мақсади, аҳамияти ва вазифалари очиб берилган.

Калит сўзлар: асосий воситалар, инвестиция, капитал инвестиция.

Аннотация: В статье описаны необходимость, цель, значение и задачи аудита инвестиций в основной капитал.

Ключевые слова: основные средства, инвестиции, капитальные вложения.

Abstract: The article describes the necessity, purpose, importance and objectives of the audit of investments in fixed assets.

Keywords: fixed assets, investment, capital investment.

Мамлакатимизда иқтисодийни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғли катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Макроиқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришнинг изчил ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, жалб этилаётган инвеститсияларни кўпайтириш ҳисобидан таркибий ўзгаришларни қатъий давом эттириш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш — миллий иқтисодий учун бош вазифа бўлиб қолмоқда.

Модернизация дейилганда, кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни замон талабидан келиб чиққан ҳолда замонавийлаштириш мақсадида янгилашга эришиш тушинилади¹.

¹Уразов К. Б. “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” Самарқанд -2014

Корхона активларини корхона ишлатиш ёки фойдаланиш муддатига қараб иккита гуруҳга ажратиш мумкин:

бир йилдан кам муддат мобайнида фойдаланиладиган активлар

бир йилдан ортиқ муддат мобайнида фойдаланиладиган активлар

Бир йилдан ортиқ муддат мобайнида фойдаланиладиган активларни «узок муддатли активлар» деб айтилади ва улар таркибига моддий ва номоддий активлар киради.

Моддий (асосий воситалар) ва номоддий активлар бу бир йилдан кўпроқ фойдали хизмат қилиш муддатига эга бўлган ишлаб чиқариш, маъмурий мақсадлар учун фойдаланадиган ва қайта сотиш учун мўлжалланмаган активлардир.

Асосий воситалар янги капитал инвестицияларни киритиш, уларни бепул келиб тушиши, таъсис бадали сифатида кирим қилиниши эвазига кўпайиши, шунингдек уларнинг бошланғич қиймати қайта баҳолаш ҳисобидан ошиши мумкин.

Капитал инвестициялар – бу янги объектларни қуришга, эски объектларни қенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга, шунингдек янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси. Ўзбек тили луғатида бу сўзнинг «капитал қўйилмалар» номи синоними ҳам мавжуд.

Халқаро стандартларда ва Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларида (5-сон БХМС) бу характердаги харажатлар асосий воситаларнинг бошланғич қийматини кўпайтирадиган харажатлар деб тан олинади.

Капитал инвестициялар характерига кўра ички инвестиция ҳисобланади, улар бевосита корхонанинг қудратини оширишга йўналтирилган маблағлардир.

Асосий воситаларга инвестицияларни аудитдан ўтказиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Асосий воситаларга инвестициялар аудитининг бош мақсади – корхона эгалигида бўлган, корхона фаолиятида бир йилдан ортиқ фойдаланиладиган ва қайта сотиш учун мўлжалланмаган моддий активларга сотиб олишга, модернизация қилишга, таъмирлашга, реконструкция қилишга қилинган харажатларни тўғри ҳисобланганига ва баланс, ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда БҲМС талабларига мос акс эттирилганига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Асосий воситаларга инвестиция бўйича аудит текширувини ўтказиш жараёнида аудиторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:



1-расм. Асосий воситаларга қилинган инвестицияларни аудитининг вазифалари.

Юқоридаги вазифаларнинг амалга оширилиши якунида ички назорат тизими етарли даражада сифатли деб топилса аудитор текширув кўламини қисқартириши ва мос равишда аудит режаси ва дастурининг батафсиллиги ҳам қисқартирилиши мумкин. Умумий кўринишдаги аудит режаси ва дастурининг намунаси 1 ва 2-жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

Асосий воситаларга инвестициялар аудитининг умумий режаси

Текширилаётган корхона "Самарқанд" АЖ; Аудит ўтказиладиган давр 2019.01.01.дан 2019.31.12.гача; Киши-соат миқдори 280; Аудиторлик гуруҳи раҳбари Азимова Ш.; Аудиторлик гуруҳи таркиби Алиев Н., Ашуров К.; Режалаштирилаётган аудиторлик таваккалчилиги 4%; Режалаштирилаётган аҳамиятлилик даражаси 1%.				
Т/Р	Олиб бориладиган ишлар режаси (вазифалар мажмуи)	Ўтказиш мўллати	Ижрочилар	Изоҳ
1	2	3	4	5
1.	Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити	Ҳисобот йили бўйича	Алиев Н., Ашуров К.	Иқтисодий субъект аудитининг йиғма умумий режасига
2.	Асосий воситаларга қилинган инвестициялар	-"	Алиев Н., Ашуров К.	
3.	Асосий воситалар қабул қилиниши ва барпо этилишининг аудити		Алиев Н., Ашуров К.	
4.	Асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳисобни текшириш		Алиев Н., Ашуров К.	
Аудиторлик ташкилоти раҳбари Аудиторлик гуруҳи раҳбари			Каттаев Н. Азимова Ш.	

Аудит режасини тайёрлагач аудитор аудит дастурини тузади (2-жадвал). Дастурда аудит режасида келтирилган вазифаларга эришиш учун амалга оширилиши лозим бўлган аудит амалларининг батафсил тавсифи ёритилади.

2-жадвал

Асосий воситалар аудитининг дастури

Т.р.	Аудиторлик тадбирлари (муолажалари)нинг рўйхати	Ўтказиш даври	Ижрочилар	Аудиторнинг ишчи хужжатлари
1	2	3	4	5
1.	Асосий воситалар мавжудлиги ва сақланишининг аудити	Йил да- вомида	Алиев Н., Ашуров К.	

1.1.	Асосий воситаларни қабул қилиш бўйича комиссиялар тузилганлигини текшириш	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Буйруқлар, фармойишлар
1.2.	Асосий воситаларни сотиб олиш-сотиш шартномалари расмийлаштирилганлигини	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Шартномалар, келишувлар
1.3.	Келишув нархлари бўйича баённомалар расмийлаштирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Баённомалар, келишувлар, буйруқлар
1.4	Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаларида уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Қабул қилиш-топшириш дало-латномалари, инвентар варақалар, рўйхатга олиш дафтарлари
1.5	Объектлар куриб битказилгани ва жиҳозлангани ёки тиклаш ва қисман тугатилганидан кейин уларнинг дастлабки қиймати тўғри акс эттирилганлигини	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Лойиҳа-смета ҳужжатлари, буйруқлар, инвентаризация да-лолатномалари
1.6.	Корхона бухгалтериясида асосий воситаларнинг синтетик ва таҳлилий ҳисоби ва улардан фойдаланиладиган жойларда моддий жавобгар шахсларнинг ишлари қандай ташкил	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, ҳисоб сиёсати
1.7.	Корхонада асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари ҳисоби бўйича амал қилинаётган тартибни текшириш ва баҳолаш	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Ҳисоб сиёсати, буйруқлар, сметалар, ҳисоботлар
1.8	Корхона бухгалтерияси амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлигини	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Буйруқлар, фармойишлар
1.9	Мавжуд асосий воситалар ҳисоботда акс эттирилганлигини текшириш	Ҳар чоракда	<i>Алиев Н., Ашуров К.</i>	Ҳисобот шакллари

Ушбу дастурга қўшимча равишда катта аудитор томонидан қуйидаги кўринишга эга бўлган асосий воситалар ҳисобининг текширувига оид саволнома ҳам тузилади. Бунинг натижасида аудит текширувини янада тартибли ўтказиш асосий воситаларнинг барча элементларини текшириш имкони юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: Халқаро ва миллий жиҳатлар. Монография. - Т.: Иқтисод-молия, 2009. -168 б.
2. Urazov K. B. Buxgalteriya hisobi va audit: Oliy o'quv yurtlari uchun.— Т.: O'qituvchi, 2004.
3. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 2020(3), 23.
4. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
5. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
6. Ширинов, У. А. (2019). УЧЕТ РАСХОДОВ В СУБЪЕКТАХ ОКАЗЫВАЮЩИХ УСЛУГИ ТЕЛЕРАДИО. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
7. Ширинов, У. А. (2019). ТЕЛЕФОН ХИЗМАТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (2-2), 83-85.